

# Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам онахонлар, азиз опа-сингиллар!

2009-yil 7-mart № 28-29 (2598) shanba

# Ishonch

Аёлни улуғлаш – оилани, ҳаётни, Ватани улуғлаш демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланишини истардим.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

## Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

**Муҳтарам онахонлар!**  
Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!  
Гўзал ва бетакрор ўлкамизга баҳорнинг илоҳий нафаси кириб келаятган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ сана – 8 март байрами билан чин қалбидан муборакбод этиб, барчангизга ўзининг юксак хурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларини изҳор этаман.

Бу аjoyиб байрам тўғрисида биз авваламбор баҳор ва аёл тушунчалари нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини, бир-бирини қандай чуқур маъно-мазмун билан тўлдирганини беихтиёр ҳис этамиз. Шу улуғ айёмда аёлларимизнинг бекийс нафосати, ҳусну малохатини ўзимиз учун янгиликдан кашф этгандек бўламиз.

Тарихнинг ўзи гувоҳ – аёл шаънига қанчадан-қанча қасидалар, шеър дostonлар битилган бўлмасин, токи дунёда одамзот бор экан, токи она меҳри, аёл муҳаббати барқарор экан, бу азалий ва абадий мавзу ҳеч қачон поёнига етмайди. Нега деганда, Яратганининг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл зоти ҳар қандай юксак хурмат ва таҳсинларга муносибдир.

Улуғ ватандошимиз Бобур Мирзо, агарки ер юзидagi барча шoirлар юз йил таъриф этганлариди ҳам, аёл латофатининг юздан бирини тараннум этолмайдилар, деганида, ҳеч шубҳасиз, мутлақо ҳақ эди. Ва бундай ҳаққоний эътирофлар аввало муқаддас заминимизнинг чирой ва назокатда, вафо ва садоқатда тенгсиз аёлларини назарда тутиб айтилган, десам, ўйлайманки, кўпчилигининг дилидаги фикрини ифода этган бўламан.

Мана шундай шуқули дамларда биз авваламбор барчамизни оқ ююб, оқ тараб вояга етказган мўътабар она сиймосига таъзим қилиб, ўз фарзандлик эҳтиромимизни бажо келтирамиз.

Айни пайтда хонадонларимизга файзу барокат киритадиган, ўзининг нозик елкасида рўзгор ташвишларини беиннат кўтариб келаятган умр йўлдошларимизга, ҳаётимизнинг гули бўлган лобар қизларимизга чексиз меҳр ва хурматимизни билдирамиз.

Ҳақиқатан ҳам, олдимизда янги-янги муаммо ва синовлар пайдо бўлаётган ҳозирги гоат мураккаб даврда сиз, муҳтарам онахонларимиз ҳаётингиз турли соҳа ва тармоқларда – бу давлат ва жамият қурилиши, сановат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим-тарбия ёки соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт бўладими – буларнинг барчасида биз билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилиб келаятганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, гўзал ва оқила аёлларимиз ўзларининг ақл-идроки, меҳрибонлиги, сабр-қаноати билан ҳар бир оила, ҳар қайси маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда аҳиллик, меҳр-оқибат, самимият ва поклик муҳитини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама баркамол авлодини тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаятганини бугун яна бир бор миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломамлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интелектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тadbirkor аёлларини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз ўз амалий натижасини бераётгани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди.

Бугун биз халқимизнинг асрий орузи бўлган, инсон том маънода эркин, озод ва фаровон ишлайдиган фуқаролик жамияти асосларини барпо этар эканмиз, бу эзгу мақсадга эришиш йўлида жор-қуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, биз мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг самарали иштирокини кучайтириш, мухтасар айтганда, аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Чунки, аёлни улуғлаш – оилани, ҳаётни, Ватани улуғлаш демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланишини истардим.

Шу борада 2009 йилнинг ўзида амалга ошириётган режаларимиз, хусусан, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастуридан ўрни олган амалий вазифалар – опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни, фермерлик ва касаначиликни кенг ривожлантириш, замонавий уй-жойлар, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, шуларнинг барчаси ҳисобидан юртимизни янада обод ва фаровон қилиш каби масалалар айнан аёлларимизнинг оруз-интилишлари ва мақсад-муддаоларига гоат ҳамоҳангдир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен юртимизнинг барча ўғлонларини, биринчи навбатда катта-кичик раҳбарларини мунис опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаётдан муносиб ва мустаҳкам ўрни эгаллашини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишга даъват этмоқчиман.

Азизларим, меҳрибонларим!  
Сизларни ўзингиз каби гўзал байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сизат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Толенингиз балан, умрингиз узок, ризку насибанингиз доимо бутун бўлсин!  
Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!  
Хонадонларимизни меҳрибонлик нури билан тўлдириб, ҳаётдан мамнун бўлиб, меҳру муҳаббат ардоғида яшаш барчангизга доимо насиб этсин!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



## НАЗОКАТ ВА ГЎЗАЛИК БАЙРАМИ

**Хотин-қизларнинг жамиятдаги маъқени мустаҳкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртилаётган сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Зеро, мамлакатимизни модернизация қилишда, ислохотлар ва ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг қиёфаси ўзгариб, чирой очиб бораётганида хотин-қизларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани бунинг эркин далилидир. Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонланмоқда.**

8 март кунини хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар Мустақиллик майдонидagi хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Шу кун «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга турли соҳаларда меҳнат қилаётган аёллар, онахонлар, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдари, жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди.

Сарой фойсидида «Кули гулдир ўзбек аёлни» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада юртимизнинг барча ҳудудларида самарали фаолият қўрсатаётган

расом ва хунарманд аёлларнинг ижод намуналари қўйилган. Санъатнинг барча соҳалари каби бадий ижод ва миллий хунармандлик йўналишида фаолият қўрсатаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги ижодий парвозлар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар мазкур кўргазмада ҳам ўз ифодасини топган. Бу ерда рассомлик билан бирга миллий хунармандликнинг каштачилик, чеварлик, қулоччилик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишларида фаолият олиб бораётган аёлларнинг ижоди билан танишиш мумкин.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев

очди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова Президенти

вақини тобора юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўналишидаги эзгу чора-тадбирлар ҳажми тобора ортмоқда. Шаҳар ва туманларда, чекка

қишлоқларда барпо этилаётган ва замонавий жиҳозлар билан таъминланаётган соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавият ва маърифат масканлари ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Маҳаллаларда, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, овуларда фаолият юритаётган

диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар оилалар тўтувлиги, ҳамжихатлиги, мустаҳкамлигини таъминлаш, жамиятимизда бағрикенглик, меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат муҳитини таъминлашда фаол иштирок этаётир.

Аёлларни иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида хотин-қизларнинг таълим олиши, меҳнат қилиш шароитини янада яхшилаш, касаначиликни ривожлантириш, аёлларни тadbirkorлик ҳаракатида кенг жалб этишга доир ибратли ишлар ҳажми сезиларли даражада ортиб бораётир. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам касаначиликни кенг жорий этиш, аёллар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратишни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар амалга оширилётгани диққатга сазовор.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ қизларга ана шу юксак мукофотлар тантанали топирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, ҳақ шоири Сирожиддин Саййид хотин-қизларини байрам билан қутлади. Ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Зулфия номидаги давлат мукофотининг бу йилги соҳибдари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей талабаси Қумар Бегниязова, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хоржий тиллар академик лицейи талабаси Зумрад Тазетдинова, Қашқадарь вилояти Касби туманидаги 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Насиба Шарипова хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишда қўрсатаётган эътибор ва рағбатини учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

### Азиз опа-сингиллар!

Баҳорнинг илк айёми саналадиган 8 Март – Халқаро хотин-қизлар байрами барчангизга муборак бўлсин.

Бугун барча жабҳаларда олиб бораётган кенг қўламли ва чуқур ислохотлар бир кун келиб, албатта, самарасини беради.

Жамиятимиз ҳаётидаги янгиликни жараёнинг мантиқий давоми сифатида 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб аталиши ва шу асосда амалга оширилаётган эзгу ишлар иқтисодий-этимизнинг барқарорлиги ва мутаносиблигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш даражасини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай залворли ҳамда тарихий даврда эркаклар билан елкама-елка туриб, ҳар қандай соҳада ташаббус ва шижоат қўрсатаётган аёлларимизнинг санафига отиш қийин. Уйда она, келин, ёр ҳамда бекалик вазифаларини ўташ, жамоат ишларида ҳам фидойиллик қилиш катта матонатни талаб этади. Шу боис уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялашга «Инсонга наф келтириш – олий бахт» шиориға амал қилиб ишлаётган Касаба уюшмалари Федерацияси ҳам муносиб улуш қўшиб келмоқда. Зеро, аёлга меҳр кўрсатиш доимо ўталадиган бурч!

Дилбар аёлларимизни ҳеч қачон ғайрат, сурур, аёллик латофати тарк этмасин!

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати

### ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Бадий академияси Бухоро шаҳрида «Кўхна ва боқий Бухоро» мавзусидаги Ёдгорлик мажмуасини барпо этиш бўйича кўрик-танлов эълон қилади.

#### Танлов шартлари

- Ёдгорлик мажмуаси тўғрисида Бухоронинг қадимий тарихи, саховатли замини, ўзига хос табиати ва қиёфасини, бу гўзал ва буюк шаҳар дунё турғунча турсин, деган эзгу гоани бадий йўсинда чуқур ақс эттириш зарур;
- мажмуанинг қурилиши Бухоро шаҳрида қурилаётган Санъат саройи биноси ҳамда унинг атрофида бўлиб келган урта фаввора билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиши даркор;
- Ёдгорлик мажмуаси узокдан кўзга яққол ташланадиган ва эътиборни ўзига тортадиган, муҳташам ва бетакрор бадий обида бўлиши лозим.

Танловда барча профессионал ва ҳаваскор хайкалтарошлар қатнашишлари мумкин.

Яратиладиган эскизларнинг ўлчамлари ва ашёси муаллиф ихтиёрига ҳавола этилади.

Лойиҳалар Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй манзили бўйича жорий йилнинг 7 апрелига қадар Ўзбекистон Бадий академиясида қабул қилинади.

Танлов ҳайъати томонидан голиб деб топилган мажмуа лойиҳаси муаллифлари тақдирланади.

Ўзбекистон Бадий академияси

■ Эҳтиром

# Аёлни улуғлаш Ватанни улуғлашдир



Аёл инсоният ҳаётининг давомчиси. Аёл борки, ҳаёт чароғон. Жамиятининг маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Шу боис тараққиёт йўлини тутган давлат аввало аёлга эътибор кўрсатади, уни эъзозлайди. Бугун ўзбек аёли барча соҳаларда ўзини намойиш этмоқда. Хотин-қизларнинг меҳнат қилиши, иқтидорини кўрсатиши учун юртимизда барча шароит мавжуд. Уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўладиган, оғирини енгиб қиладиган ташкилот ва бирлашмалар ҳам анчагина. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси мазкур ташкилотлардан энг нуфузли ҳисобланади. Федерация кенгаши раисининг ўринбосари, ЎзКУФК қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Озода МУХИТДИНОВА билан суҳбатимиз бугунги кун аёли, унинг жамиятдаги ўрни, касабаси уюшмаси тизимдаги фаолияти, уларга тегишли муаммоларни бартараф этишда нуфузли ташкилотнинг сый-ҳаракатлари ҳақида бўлди.

— Аёл ва жамият ўртасидаги узвийлик нимага боғлиқ?

— Инсонларвар жамият барпо этиш йўлидан бораётган юртимизда аёлга, онага, оилага эътибор ниҳоятда катта. Мамлакатимиз хотин-қизларига жаҳон давлатларининг ҳеч бирини кузатилмаган ҳурмат кўрсатилмоқда. Аёл зотини улуғлаш мақсадида унинг номига йиллар аталди, мукофотлар жорий этилди. Она ҳайкали эзгулик рамзи сифатида қад ростлаб турибди. Ер шарининг теграсида фарзандини кучоғига олиб, унга меҳр тўла кўзларини тикиб турган бахтиёр онанинг нури сиймоси акс этган «Мустанкилик ва эзгулик» монументи айнан мамлакатимизнинг бош майдонида барпо этилишида катта рамзий маъно бор. Зеро, жамият саодати яхши тарбия кўрган аёл билан мукамал. Қолаверса, жамият ва аёл — тараққиётнинг бир-бирига чамбарчас боғланган икки ҳалқаси. Аёли ҳимояланган жамият қудратли бўлади. Қудратли жамият эса маънавий отук оилалардан таркиб топади. Бу ҳақда маърифатпарвар Фитрат шундай ёзган эди: «Инсонлар ҳар вақт хотинлари истагани каби бўлашақлар, агарда буюқ фазилатли одамларга эҳтиёжиди бўлса, хотинларга буюклик ва фазилатни ургатиши».

Бугунги кунда хотин-қизлар мамлакат иқтисодиётида машғул бўлган меҳнатқашлар сонининг 48 фоизини ташкил этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, саноатда ишлаётганларнинг 42,8 фоизи, қишлоқ ҳўжалигида ишлаётганларнинг 42,4 фоизи, таълим, фан ва маданият соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг 72,9 фоизи, соғлиқни сақлаш тармоғи ходимларининг 75,3 фоизи хотин-қизлардир.

— Аёлларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қандай муҳофазаланган?

— Бугун аёллар давлат ардоғида. Олис қишлоқда фермерлик қилаётган аёлдан тортиб йирик корхоналарни бошқараётган раҳбар аёлга, боласини қалб кўри билан тарбиялаб, унга ватанини севиш, истиқлолга садоқат туйғусини сингадирётган онадан тортиб мамлакатимиз қонунийларини яратишда иштирок этётган сенаторга, барча-барчасининг қалбида эл-юрт учун фидойиллик, бунёдкорлик туйғуси мужассам. Уларнинг ҳуқуқларини мамлакатимиз Конституцияси, Фуқаролик, Оила, Меҳнат кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳимоялайди. Ўзбекистон «Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча кўринишларига барҳам бериш тўғрисида»ги халқаро конвенцияга қўшилди. Халқаро меҳнат ташкилотининг «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситишлар тўғрисида», «Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг раббатлантириш тўғрисида»ги конвенцияларини ратификация қилди.

Республика ҳукумати томонидан қатор норматив актлар ва дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар хотин-қизларга нисбатан тенг ҳуқуқ ва эркинликлар, хотин-қизлар ва эркаклар учун бир хил имкониятлар принципини амалга оширишни кўзда тутган давлат сиёсатининг стратегиясини белгилаб беради. Гендер тенглик муаммоси ечимини топишига касабаси уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш долзарб муаммо ҳисобланади. Федерация кенгаши ишлаб чиқариш соҳасида ишловчи аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш билан боғлиқ норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол қатнашаётти. Жумладан, ноқулай меҳнат шароитида бажариладиган ишлар рўйхати белгиланди, бундай ишларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланди. Шунингдек, оқларни қўлда кўтариш ва ташвишда аёллар учун йўл қўйиладиган оғирликлар миқдори, ўта зарарли ва ўта хавfli ишлар рўйхати белгиланди. Бундай ишларга ходимларни жалб этиш вақти

қатъий тартибга солинди. Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим корхоналарда аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш меъёрий талабларга жавоб бермайди.

— Касабаси уюшмасига аъзо аёллар ҳақида фикрингиз қандай?

— Касабаси уюшма ҳаракатини мустаҳкамлашда аёллар фаол эканини алоҳида таъкидлашим келади. Айни кунда 3.261.281 нафар хотин-қиз касабаси уюшмасига аъзо бўлиб, меҳнат жамояларининг жўшқин ҳаётида иштирок этиш баробарида ўзларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини рўйбга чиқаришга улкан ҳисса қўшаётти. Бу аса аёлларнинг жамиятдаги мавқеи, мамлакат ҳаётидаги роли ортишига имкон бермоқда.

Касабаси уюшмалари жамоа музокараларида аёлларнинг манфаатларини корхоналарда жамоатчилик асосида тузилган комиссия аъзолари орқали ҳимоя қилади. Бундай ёндашувлар эса меҳнатни болалар тарбияси билан уйғунлаштириш, оналик ва болаликни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш имконини беради. Касабаси уюшмалари эзгу ишларида фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жумладан, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Хотин-қизлар кўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Қамолот» ЕИҲ билан ҳамкорлик қилади. Бу эса меҳнат соҳасида аёлларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш самардорлигини ошириш имконини бераётти.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси тузилган бўлиб, алоҳида дастур асосида иш олиб бормоқда. Яқинда комиссия аъзоларининг ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгаши раислари, ҳудудий кенгаш етакчилари ва фаолларидан иборат тинловчилар бир ҳафта мобайнида билимларини оширдилар. Ҳудудий кенгашлар ҳамда корхона ва ташкилотлар касабаси уюшма кўмиталари қошида ҳам шундай комиссиялар фаолият кўрсатмоқда. Гендер ҳамда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи жамоа шартномалари ва келишувларда ўз аксини топаётти. Улар орқали мамлакатимиз бўйича ҳар йили:

- 600 миңдан зиёд аёл қўшимча таътил олади;
- 40 миң аёл иш бевручи маблағи ҳисобидан, ҳомилдорлик ва туғиш бўйича қонунда белгиланган қўйилган таътил давомийлигига нисбатан 1-2 ой узайтирилган таътил олади;
- мактабгача ёшдаги боласи бўлган 200 миңга кўп болали аёлга қисқартирилган иш кўни белгиланиб, моддий ёрдам кўрсатилмоқда;
- 2 ёшдан 3 ёшгача боласини парвартириш бўйича таътилда бўлган 40 миңдан зиёд аёл корхона томонидан моддий ёрдам олаётти (давлат нафақаси бола 2 ёшга тулганга қадар берилди);
- нодавлат секторда ишлаётган ва 3 ёшгача боласи бўлган 100 миңдан ортиқ аёл иш ҳафтаси давомийлигини 1 соатга қисқартириш ҳуқуқидан фойдаланмоқда (қонунчиликда иш ҳафтасининг қисқариши бюджет ташкилотларида ишлаётган аёлларгагина белгиланган бўлибди);
- 150 миңга кам таъминланган оилага мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Айни пайтда корхона ва муассасалар бошланғич касабаси уюшма ташкилотларининг 42 фоизини хотин-қизлар бошқараётти. Айниқса, соғлиқни сақлаш (50,4 фоиз), таълим ва фан (50,7 фоиз), маданият (44,4 фоиз), тўқимачилик ва енгил саноат (38,9 фоиз) соҳаларида яққол кўзга ташланади. Ҳар йили республикамизда миңлаб янги иш ўринлари ташкил этилади, уларнинг 40 фоизидан кўпроги хотин-қизларга тегишлидир.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳукумат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда жамоатчилик фикрини ўрганиб боради. Халқаро семинар ва конференцияларда хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш, уларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимояси муаммоларини юзасидан фикр алмашилади.

Ўтган йили Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Аёллар: меҳнат бозори ва бандлик» мавзусида халқаро семинар ўтказди. Унда аёлларнинг меҳнат бозоридagi аҳоли, ижтимоий-меҳнат соҳасида гендер тенгликни таъминлашнинг долзарб муаммолари, аёллар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат, касабаси уюшмалари ва иш бевручиларнинг сый-ҳаракатларини бirlaштириш йўллари, бу борада халқаро ташкилотларнинг нуқтани назари муҳокама қилинди.

Касабаси уюшмаси тизимда эл ишига камарбаста, ташаббускор, халқни эзгуликка бошлайдиган етакчи ва мутахассис аёллар кўп. Уларнинг барини битта, эзгу ниёт — инсонга наф келтириш орзуси бirlaштириб турибди.

Айни кунда ЎзКУФК тасарруфидagi барча касабаси уюшма ташкилотлари иш бевручилар билан ҳамкорликда имзоланган жамоа шартномасига асосан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб тадбирлар ўтказиб, дилбар аёлларга, оловқалб қизларга совға-саломлар улашиб, алоҳида эҳтиром кўрсатмоқда.

Эзгулик ва гўзаллик тизимли бўлган аёл шайнини қанча улуғласак ҳам оз. Зеро, ҳазрат Навоий айтгандек:

Кўз бирла қўшинг яхши, қабогинг яхши,  
Юз бирла сўзинг яхши, дудогинг яхши.  
Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,  
Бир-бир не дейини, бошдин айгинг яхши!

Сухбатдош: Амина КОДИРОВА,  
«Ishonch» мухбири

## Фаргона туманидаги 26-сонли Болалар мусиқа мактаби вилоятдаги нуфузли санъат даргоҳларидан бири ҳисобланади.



### Мусиқа сабақлари

Айни пайтда мазкур даргоҳда 65 нафар ўғил-қиз халқ чолғу асбоблари, анъанавий ичрочилик, фортепиано ва бошқа йўналишлар бўйича тахсил олмақда. Айтиш жоизки, бу ердаги иқтидорли ўқувчилар «Қелажақ овози», «Янги авлод» каби кўриктанловларда муваффақиятли иштирок этиб келяпти.

Суратларда: фортепиано ўқитувчиси Маъмура Раҳимова; Маъмура Раҳимова ўқувчилар билан; ўқитувчилар машғулот пайтида.

Муҳимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

## Ўзбекистон Қаҳрамонлари ҳақида ҳикоялар

Халқхон Мирзаева раҳбаримизгина эмас, балки суюнган тоғимиз, ишонган боғимиздир. Уни эъзозлаб «опа» деймиз. У топириқ берса, мукофот олгандек суюнаемиз, сўзсиз бажарамиз, чунки унга беҳад ишонаемиз.

Опахонимиз ишнинг кўзини билади, ер билан тиллашади, ўсимликлар билан сирқолашади.

Ахир унинг умри далада кечган, гўдаклигида шийпондаги кўча ясида тарбия топган. Ўқувчилик йилларидаёқ қўлига кетмон олиб онаси билан бирга гўза чопган, пахта терган. Мактабни тугатган эса шу ерда қолиб, тақдирига талмал тоши қўйган.

Дехқончилик машаққати осон эмас, йил — ўн икки ой далада меҳнат қилди. На иссиқ, на совуқ, на кўз изгиринлари-ю намгарчилик демеди. Моҳир теримчи сифатида тумандагина эмас, вилоят миқёсида ҳам танилди. Истиқлол кўплар қатори унинг ҳам дилидаги мудроқ

пахтадан эса 35 центнердан хирмон кўтардилар. Иш юксалгани сайин гайрат ва шижоат ҳам жўш ураверди. Шу тариха йил сайин ер майдони кенгайтирилиб, ҳосилдорлик ортиб борди. Бугунги кунда 50 га ерда дехқончилик қилинмоқда. Утган йил гектаридан 35 центнердан ошириб хирмон уйлиди. Фаллачилик соҳасидаги натижалар ҳам 4каки бўлмади, ҳосилдорлик кўрсаткичи 70 центнердан ортиди.

Хали айтганимиздек, Халқхон опамиз ҳар биримизнинг меҳримизни, тойдил қилинган сый-ҳаракат зое кетмади, улар биринчи йилдаёқ галладан ўртача 65,

кулимизни осон этишга уринади. Зарур ўринда маслаҳатлар бериб, йўл-йўриқ кўрсатади. Кам таъминланган Исомжон Иброҳимов оиласи сигирли, 6 киши велосипедли бўлиб, оладан жуда миннатдор бўлишди. Ҳўжалигимиздаги жами 32 аъзо 1,5 тоннадан бугдой билан таъминланди. Шунингдек, маҳалламиздаги 20 га яқин кўп болали оилага ҳам 1 тоннадан бугдой тарқатилди.

Хуллас, опамиз ҳақида гапирарасак гап кўп. Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини олган кун ҳар биримизнинг уйимизда, қалбимизда байрам бўлди. Биз Ўз сардоримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Абдужалил ОТАБОВ,  
Наманган вилояти  
Тўрақўрган  
туманидаги «Халқхон  
Мирзаева»  
фермер ҳўжалиги аъзоси

# Ҳаёт — ҳаракат дегани

Ҳеч бир инсон ҳаётининг бемазмун ва беҳуда ўтишини истамаслиги табиий. Бизни ҳаракатга, жамият аъзоси сифатида эса фаолликка чорлаб турувчи вазият ҳам ана шундан иборат. Бирок ҳаётга мазмун бахш этиш айнан ўшлик даврдан бошланишини инкор этиш бўлмайди. Ҳар қандай буюқ, ҳеч бўлмаганда, тилга олишга эришри ишлар ҳам айнан ўшлик чоғида бошланганлигини кузатиш ҳам мушкуллик туғдирмайди. Талабалик тузини татиётган ёшлар эртасини бугундан бошлайди, деган гапнинг маънисини ҳам шунда бўлса керак. Мана нима учун бизни мактаб ўринидигиданоқ яхши ўқиш ва изланишга ўргатишади.

Бироз эътиборлироқ бўлсак, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг деярли ҳар бири ў ёки бу жиҳатдан ёшларга тааллуқлигина эмас, ўз тақдирини тўғри ва муносиб белгилаш учун имконият эшиги бўлиб хизмат қилаётгани аён бўлади. Бу борада фақат «Ёшлар йили»ни мисол келтириш билан чекланиш тўғри эмас.

Айни дамда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг магистратура босқичини тугатиш арафасида турибмиз. Тахсилнинг асосий қисми ортда қолганига қарамай, ўқиш ва ўрганишга ундовчи сабаблар тобора ортиб бораётгани рост. Энг асосийси, бошланган йўлни давом эттириш учун имконият борлигини ҳис этияман. Назаримда, аксарият тенгдошлар худди шу фикрда. Акс ҳолда республикамизда ҳар йили ўнлаб Ўзбекистон Президентининг ҳамда қатор номдор давлат стипендиялари соҳиблари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, «Қелажақ овози» мега-танлов, халқаро фан ва спорт олимпиадалари-ў турли олимпакалар, жаҳон миқёсидаги танлов гóлиблари ва яна кўплаб иқтидорли ёшларнинг номлари фохр ва ифтихор билан қарши олишга тўғри келмас эди. Шундай дамда ўзим ҳам журналистика йўналиши бўйича Ўзбекистон Президентининг давлат стипендияси соҳиби бўлганимда ўтган кечинмалар кайта-қайта жонланаверади. Зеро, бу йўлда қўйилган ҳар бир қадам нимадир эвазига босиб ўтилиши мўнға шахсий тажрибам эвазига жуда яхши аён. Ҳеч бир ютқуқ, у нечоғлиқ катта ёки кичик аҳамият касб этмасин, шунчаки — осонликча эришиб бўлмайди. Модомики, инсон ўзи устиди тинимсиз ишлаб бормас экан, ҳаракатдан тўхтаб қолиши ҳеч гап эмас. Атрофимдаги ёш йигит ёки қизларнинг ҳаракати бироз сузлашганини кўрганимда ҳар гал шу ҳақда ўйланаман. Имконият чиндан ҳам бўлмаганда ютқузлиликда ўзгаларни айблаш мумкиндир, эҳтимол. Бирок вазият сезиниб фойдангизга ҳал этиб турилганда яна қандайдир баҳоналар излаш пайига тушганлар энди бировини, айблашга ҳаққи йўқ. Ёшлар ушбу оддий ҳақиқатни англаб етишини хоҳлардим.

Наргиза УМАРОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
давлат стипендияси соҳиби



Аёл — ҳаётнинг барча поғоналарида эркакни асраб-авайловчи фариштадир. Аёл — назоқат соҳибаси, муҳаббат куйчиси, фидойилик тимсоли, аёл — бахтсиз ҳамда гам-аламли кунларнинг тасалликори, эркакнинг қувончи ва фахридир.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ

# Бахтлилар сафидаман

консерваториясига ҳам имтиёзли равишда қабул қилиндим.

Ўқиш ва изланишда ўтган бир неча йил ичида ўзбек классик мусиқаси, мумтоз кўшиқларимизни қайта кашф этгандек бўлдим. Мақомлардаги айтим йўлларининг Қуръони карим оҳангларига уйкашлиги, ашулаларда сўз ва куй уйғунлиги, сатрлар қатида яширинган Шарқ фалсафаси мени ром этди. Ота-онам адабиёт ва санъатга алоқадор инсонлар бўлганлиги боис бу борада ҳам омадим қолган деб ўйлайман. Юртимизда Зулфиянон издошлари йил сайин ортиб бормоқда. Ҳар томонлама етук қизлар — эртанги кун эгалари. Мана шундай бахтли ёшлар сафида эканлигимдан фахрланаман.

Моҳичехра ШОМУРОВА,  
Ўзбекистон давлат консерваторияси 3-курс талабаси,  
Зулфия номидаги давлат мукофоти лауреати

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Тинчлик билмас Турсуноий



Инсонлар борки, иродаси, сабр-қаноати ила турмушнинг паст-баланди, давр синовларидан ёруғ юз билан ўтаверадилар. Сурхондарёлик Турсуноий шундайлардан. У болалигидан ҳуқуқ дунёсининг сеҳр-синоатига шайдо бўлди. Отаси, тажрибали ҳуқуқшунос, генерал Чори Жўраев кизига истеъдодни тез илғади. Унга ўзининг ҳаётдан ҳикоялар сўзлаб берарди. Отасининг ҳаёт йўлига кизикиб қолганда Турсуноий 4-синф ўқувчиси эди.

Зехни ўткир кизалоғининг кизикшини маъқуллаган Чори ака аёлига шундай деди: — Сунбулаҳон, Турсуноийнинг ўқишларини назорат қил. Алоҳида дарсхона тайёрлаб бер.

У ҳуқуқшунос бўлиш орузида мактабда аёло ўқиди. Жамоат ишларида фаолият кўрсатди. 1981 йили ўрта мактабни битиргач, Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб, уни 1986 йили имтиёзли диплом билан тугатди. Кейинги 14 йилда Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳуқуқшуноси вазифасида ишлаб келмоқда. Жамоада Турсуноий босиқлиги, узоқни кўра билиши билан обрў қозонди. Шу боис одамлар уни ўзига яқин олишади.

Ҳуқуқшунос Турсуноий Жўраеванинг ҳалоллиги, барчани тенг кўриши, фидойилигини сурхондарёликлар яхши билишади. У вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси сифатида ўтган йили 360 нафар касаба уюшма фаолини 10 соатли дастур асосида йил давомида ўқитди. Яна тармоқ касаба уюшма органлари томонидан 750 га яқин кишининг малакаси оширилди. Т.Жўраева ўқув-семинарларда меҳнатга оид қонунлар бўйича маърузалар ўқиди. Бундан ташқари, вилоятдаги 13,971 та бошланғич ташкилотнинг иш берувчилар билан тузган жамоат шартномаларини экспертизадан ўтказиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берди.

Т.Жўраеванинг аралашуви билан ўтган йили бахтсиз ҳодисага учраган 21 кишига 31,8 млн. сўмлик товон пули иш берувчилардан ундириб берилди. Жарқўрган тумани машина-трактор парки ходими Норбой Қорабоев, шерободлик газ пайвандчиси Абдувоҳид Давронов шулар жумласидандир.

— Инсон — ҳаёт гултожи, — дейди Турсуноий Жўраева. — Уни эъзозлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш керак. Жамоатда меҳнатқашларнинг ариза ва шикоятларига муносабатнинг ўзгачалиги ҳам шундан. Масалан, Деновдаги «Хайрбод пахта» ОТАЖда раис ўринбосари бўлиб ишлаган Ориф Қўзимуродов «Сурхон-пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси ҳамда аттестация комиссияси томонидан ноқонуний тарзда ишдан бўшатирилганлиги боис, ишга тикланишини сўраб мурожаат қилди. Холатни ўрганиб, фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво аризаси киритдик. Суд даввоини тўлиқ қаноатлантирди. Ориф Қўзимуродов ишга тикланди. Бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб берилди.

Турсуноий Жўраеванинг ишдан қўли



бўшамас экан, оила, рўзгор ишларига қандай улгради дерсиз. Бу ҳақда Турсуноийнинг ўзи шундай дейди: — Маърифатли оилга келин бўлиб тушганим — катта бахтим. Иш иш-да. Гоҳи йиғилишлар ёки қўшимча дарслар боис кеч қолсам қайнонам дарвозада оқиқ чехра билан қарши олиб, бағрига босиб, бутун чарқоқларимни унуттириб юборарди. Шу ардоқда ўқиб, ишлаб келаятман. Бугун турмуш ўртоғим Асрор ака билан икки ўғилга ота-она, бир набирарага бобо-момо бўлдик. Бахтли оиламиз деяр баралла айта оламан. Ўғилларим Аброр Тошкент иқтисодий университетда магистр, Камолдин Тошкент ахборот технологиялари университетида талаба.

Турсуноий Жўраева ҳаёти давомида осон йўл изламади. Мақсади йўлида барча қийинчиликларни, муаммоларни ўқиб ва ишда олган билимлари эвазига ениб келмоқда. Олтин ярқираб товланишдан олдин оловда тобланидех, Турсуноий ҳам доволар ошиб, эл қорига яраб, олқишлар қуршовида яшамокда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири



Ҳаётимиз кўрқки

Ҳаётимиз фаровон, турмушимиз тинч, рўзгоримиз бут. Шундай жамиятда гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган аёлларга хурмат анча баландлигини ҳар жабҳада кўриб беҳад қувонамиз.

Жамиятни ривожлантириш, оилани мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг ўрни бениҳоят катта. Аёл нафосат, мурувват ва меҳр-оқибат нури билан дилларни мунаввар этади.

Олот туманида ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасининг барча жабҳалари ривожига хотин-қизларнинг салмоқли улуши бор. Мухими, уларнинг сафи йил сайин кенгайиб, муваффақиятларимиз йилдан-йилга кўпайиб бораёпти. Кейинги уч йилда хотин-қизларнинг 4 минг нафардан ортиғи турғун иш ўрнига эга бўлди. Улар орасида фермер, тадбиркор, хунармандларни, турли соҳа ходимларини кўриш мумкин.

Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ролини кўчатириш, манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. 33 та маҳаллада ташкил этилган қизлар кенгаши ёшларнинг фаоллигини ошириш, саломатлиги ва манфаатларини муҳофаза қилиш масалалари билан шугулланапти. Аёллар ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган маслаҳатчилар ишини мувофиқлаштириш мақсадида туманда бош маслаҳатчи лавозими жорий этилди, ўқув-семинарлар ташкил қилинди.

Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида «Аёллар репродуктив саломатлик маркази», марказий

касалхона туғруқхона мажмуаси ва лабораторияси замон талабига мос таъмирланиб, жиҳозланди. Туманда фертил ёшдаги аёллар 23,820 нафар бўлиб, ўтган йили уларнинг 20,241 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Касаллиги аниқланган хотин-қизларни даволаш чоралари кўрилди. Спортни омалаштириш орқали аёлларнинг жисмоний чиниқтириш ишлари анча яхшиланди. Бу каби ишларни янада авж олдириш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Наргиза НЕЪМАТОВА, Олот туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

АСМ ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгашининг 170,126 нафар аъзоси бор. Уларнинг 58 мингдан зиёди аёллар. Кенгаш томонидан аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Уларнинг иш соатларини қосқатириш, оғир меҳнатга жалб қилмаслик, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш шартлари жамоат шартномалари ва келишувларида акс этган. Хусусан, бултур 22 та қоржонда 70 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ туланишига таътили узайтириб берилди. 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бўлган 147 та ёш онага 28 қоржонда 3 млн. 522 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, бундан ташқари мазмунли ўтказиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Вилоятдаги фермер хўжалиқларининг 505 тасига аёллар раҳбарлик қилади.

Этибор кўчатири



Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан кенгаш аъзоларга ғамхўрликни янада кўчатиришга бел боғлади. Ўқинда вилоятнинг юздан зиёд фермери рағбатлантирилган эди. Баҳор арафасида касаба уюшмаси аёлларга яна бир қарра этибор қаратди. Улар учун семинар ва бир пилёна чой устида давра суҳбати ташкил қилинди.

— Ҳаётни аёлсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Даврамизда ўтирган аёлларимиз кишлоқ хўжалигининг фидойилари эканлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Ерга қалб кўрини бераётган бу аёлларга ҳар қанча раҳмат айтсак кам, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шакаржон Хўжаниёзова.

Давра суҳбатида бугунги долзарб масалалар, хусусан, одам савдосига қарши курашни кўчатириш, ишсизлик муаммосини ҳал қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб ўтилди. Касаба уюшмалари билан ҳамкорликда кишлоқ аёлларини ижтимоий ҳимоялаш, касаначиликни кенг йўлга қўйиш чораларини кўчатиришга келишиб шилди.

Туманимиздаги 245 фермер хўжалигининг 45 тасига аёллар раҳбарлик қилади, — дейди Урганч туман фермерлар уюшмаси раиси Олия Қаландарова. — Касаба уюшмалари билан фермерларимизга, уларнинг ишчиларига моддий-маънавий, ижтимоий-иқтисодий кўмак бериш чораларини кўриб келаямиз. Бу йил уларнинг бундан ташқари мазмули ташкил этиш, тарихий жойларга саёхатга олиб чиқиш, санъаткорларни чақириб, концертлар уюштириш бўйича ҳам режалар белгиланди. Тадбирга тақлиф қилинган аёлларнинг барчасига ўз фикрини билдириш имкони берилди.

Жорий йилда аъзолар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар янада самарали бўлиши таъкидланди.

Фермер аёллар қимматбахо соғалар билан рағбатлантирилди.

Мухаббат Тўрабоева, «Ishonch» мухбири

Ҳазина топган бекалар


Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори аҳолининг бандлик даражаси ва даромадларини ошириш, гўшт, сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлашга қаратилган.

Қарши туманидаги Нуқрабод қишлоғида яшовчи Махбуба Турсунова бундан уч йил аввал меҳнат бўлимининг кўмаги билан деҳқон хўжалиги ташкил этган эди. «Бандлик жамғармаси» ҳисобидан икки миллион сўм кредит олиб паррандачилик маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйди.

Паррандачилик Махбуба опа учун янгилик эмас. У кўп йиллардан бери шу иш билан шугулланади. Уйда бир-бир ярим минггача товуқ сақлаб қолган.

Дастлаб 4 киши билан иш бошлаган бўлса, ҳозир хўжалиқда 20 га яқин аёл қўлини қўлга бериб меҳнат қилаётир. Махбуба Турсунова Самарқандда паррандачиликни ривожлантириш бўйича очилган курсда малака олириб, Германиянинг ломин-брад товуқларини олиб келиб парвариш қила бош-

лади. 40-45 кунда бройлер жўжалари гўшта топшириш учун тайёр бўлади. Топилган даромаддан нафақат ишчиларнинг ойлик маоши тўланапти, балки 4-5 млн. сўм соф фойда ҳам олинмоқда. Деҳқон хўжалиғида ишлаётган Шарофат Абдулла-



ова 14 нафар фарзандни тарбиялаш билан бирга меҳнатига яраша маош олади.

— Етилган ҳар бир бройлер жўжаси 1,5-2 килогача гўшт қилади, — дейди мутахассислиги бўйича ветеринар бўлган М.Турсунова. — Маҳсулотларимизни Қарши шаҳрида жойлашган «Эрмат ота», «Зайнаб биби», «Файз» ошхоналари сотиб олишади. Вилоятда Махбуба опа-

дек етти хазинанинг бири ҳисобланган паррандачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган фидойи хотин-қизлар кўп. Шаҳрисабз туманининг Тўламайдон қишлоғида яшовчи Розия Боқиева 1000 та бройлер товуғини парваришлаб, парҳез гўшт етиштираяпти.

Муборак туманининг Қарлик қишлоғидан Дилрабо Хўжақелдиева, Қарши шаҳрининг Собир Раҳимов маҳалласидан Мархабо Йўлдошева, чармгарлик Хурсанд Ерматовга, худудлик Хабиба Раҳматовалар эса мол боқиб, рўзгорларини обод қилишаяпти. — «Бандлик жамғармаси» томонидан берилган имтиёзли микрокредит эвазига 2 та қорамол сотиб олган эдим, — дейди Янгиношон шаҳридаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Санобар Ҳакимова. — Ҳозир уларнинг сони 4 тага етди. Рўзгоримизда сут, қатиқ етарли. Органини сотаямиз. Энг яхши томони, номимга меҳнат дафтарчаси очилиб, иш стажига эга бўлаёман.

Ҳозирги кунда вилоятдаги шахсий ёрдамчи деҳқон хўжалиқларида 701,3 мингга қорамол (шундан 300 мингтаси сиғир) боқилмоқда. Кам таъминланган оилаларга қорамол сотиб олиши учун 4,5 млрд. сўм имтиёзли микрокредит ажратилган бўлса, унинг 3,9 млрд. сўми тижорат банклари, 600 млн. сўми эса «Бандлик жамғармаси» ҳиссасига тўғри келади.

Изаат ХИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири



Аёллар — ИНСОНИЯТНИНГ ИЛК МУРАББИЙЛАРИ. О. ГОЛДСМИТ

Учрашув «Бахт надур?..»

Тошкент ислом университети қошидаги академик лицейда 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда лицей ўқитувчилари ва талабалари, ота-оналар қатнашдилар.

— Аёл нафақат ўз оиласи, балки жамиятнинг ҳам устун ҳисобланади, — деди тадбирнинг очар экан лицей директори Содир Абдуллаев. — Бугун қай соҳага қараманг, хотин-қизлар ташаббускорлиги, тадбиркорлигини кўраемиз. Юртимизда уларнинг манфаатлари ҳар томонлама муҳофаза этилган. Лицейимизда ҳам кўплаб қизлар таълим олмақда.

Шундан сўнг шоира Турсуноий Содикованинг «Бахт надур?..» мавзусидаги суҳбати тингланди. Унда ёшлар маънавияти, оиланинг муқаддаслиги, қизларни турмушга тайёрлаш, бу йўлдаги машаққат ва қувончлар ҳақида ҳикоя қилинди.

— Ҳаёт қувонч ва ташвишларга тўла. Уни яхшилик томонга йўналтириш ёки жаҳолатга айлантириш ҳар кимнинг ўз қўлида. Шунинг учун инсон фақат яхшилик қилиши, яхшиларга ҳамроҳ бўлиши керак, — деди Т.Содиқова.

— Бахт энг аввало соғлиққа, соғлом турмуш тарзига боғлиқ, — дейди тадбир қатнашчиларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Сайёра Назирова. — Инсон соғ-саломат бўлсагина ҳаёт нўматларидан баҳра олади. Оиласи, фарзандларига меҳрибонлик қилади. Шунинг учун аввало соғлиққа эътибор қаратиш зарур.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА, «Ishonch» мухбири

# Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

*Ўзгал днёримизнинг барда айларини ва шоглим  
шизимда мезнаш қилаётган дилбар опа-  
синимларимизни 8 Март — Халқаро хотин-  
қизлар байрами билан самимий қутлайди.  
Уларга бағаш-саодат, омад ва қувонч, оилавий  
шонулик, фарзандлар камолтини шиллаб қоламиз.  
Айёминиз қушыде бўлсин, азиз опа-синимлар!*

**Аёлсан — шу билан ҳақсан батамом!  
Зулматда маъбуда каби сочдинг нур.  
Сенга талпинамиз кундузу оқшом,  
Сенга бош эгамиз, ўзингга шукур!**

# Ноғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

**Мухтарам онахонлар, қадрли  
опа-синимлар ва лобар  
қизларимизни гўзаллик ва  
нафосат айёми — Халқаро  
хотин-қизлар куни  
билан самимий  
муборакбод  
этади.**



**Ўзбекистон  
Ёрилги-энергетика  
комплекс, қимё саноати ва  
геология ходимлари касаба  
уюшмаси Марказий  
Кенгашининг Андижон  
вилоятидаги вақитлиги**

*Мунис онахонларимизни,  
она-синимларимизни 8 Март – Халқаро  
хотин-қизлар куни билан муқобаллад этиди!  
Барчангизга сиҳат-саломатлик,  
оилавий бахт тилаймиз.*



**Таълим ва фан ходимлари  
касаба уюшмаси  
Фарғона вилоят кенгаши**

*Ўрпимиз аёлларини, мунис  
онахонлар-у дилбар она-синимларимизни  
8 Март – Халқаро хотин-қизлар  
байрами билан табриклайди!*

**Қалбингизни баҳорий кайфият ҳеч  
қачон тарк этмасин. Гўзаллик,  
нафосат, бахт ва толеъ доимий  
ҳамроҳингиз бўлсин!**



**«Ўзбекистон – GM» автомобилсозлик қўшма  
корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси**

*Барча хотин-қизларни гўзал байрамлари билан  
қутлайди! Хонадонингизга тинчлик-тотувлик,  
ўзингизга сиҳат-саломатлик тилайди.*

## Соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши

Азиз опа-сингилларимизни ва тиббиёт соҳасида хизмат қилаётган лобар аёлларимизни 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этади. Инсон саломатлигини сақлаш йўлидаги савобли ишларингизга муваффақият тилайди!

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Хайтиминиз гуллари бўлмиш аёлларни, опа-сингилларимизни 8 Март — баҳор ва нафосат айёми билан тин дилдан табриклайди.

Уларга оилавий хотин-қизлик, сизмат-саломатлик, бахт-саодат тилайди.

Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш табиий иқлим, мағданил сувлар ва барга даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий-курорт муассасалари йилнинг шўрт фаслида Сизга мунтазиф!

## Эҳтиромга лойиқ зотлар

Баҳор байрамлар билан бошланади. Кўкларнинг иккинчи ҳафтасида 8 мартни нишонлаймиз. Хўш, мунис оналаримиз, хотин-қизлар байрамини нишонлашимизнинг сабаби нимада? Нега аёллар бунчалик улуғланади? Бу кун бутун дунёда нишонланадими ёки?.. Шу саволларга жавоб топиш учун тарихга назар ташлаймиз.

Маълумотларга кўра, «аёл» арабча сўз бўлиб, «оила» калимаси билан ўзакдошдир.

Бироқ 8 мартга нисбатан «аёл» сўзи эмас, балки хотин-қизлар деган сўз кенг қўлланади.

Бу байрам хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашиш кунидан келиб чиққан. Яъни, 1857 йил 8 март куни Нью-Йоркнинг пойабзал ҳамда тикув фабрикаси ишчи хотин-қизлари манифестга йиғилдилар. Уларнинг талаби 10 соатлик иш кунини жорий этиш, ёруғ ва куруқ иш хоналари ҳамда эркаклар билан бир хил маош олиш эди. Худди шу кун Нью-Йоркдаги юзлаб аёллар намоёнига чиқиб, сайлаш ҳуқуқини ҳам талаб қилади. Чунки ўша пайларда жуда кам маош олувчи аёллар кунига 16 соат ишлаганлар. Эркаклар эса турли чиқишлари орқали 10 соатлик иш кунини қўлга киритишган. 8 мартдаги шу воқеадан сўнг аёллар ташкилоти тузилади ва биринчи марта хотин-қизлар унга аъзо бўладилар. Бироқ бу кун

биринчи марта 1891 йил 18 мартда Австрия, Дания, Германия ва Швейцарияда хотин-қизлар байрами сифатида нишонланади. Ушанда миллиондан ортиқ эркак ва аёл манифестларда иштирок этади. Сайлаш ва жойларни бошқариш ҳуқуқидан ташқари, аёллар эркаклар билан бир қаторда тенг ҳуқуқли бўлишга ҳаракат қиладилар.

1910 йили Копенгагенда ўтган халқаро конференцияда 8 март санасини хотин-қизлар кунини сифатида нишонлаш таклифи билдирилди. Шундан сўнг кўпгина мамлакатлар аёлларнинг жамиятда фаоллашуви бошланади. Улар камбағалликка қарши, меҳнат ҳуқуқи, ҳурматга эга бўлиш, тинчлик учун кураш олиб борадилар.

Россияда эса хотин-қизлар кунини биринчи марта 1913 йили Петербургда нишонланди. Россия думасига аёллар мумноси бўйича ариза берилди ва ҳукумат аъзолари 1913 йил 2 мартда бир ярим минг аҳолини йиғиб, бу масалани ҳал этишга рухсат берди. Унда аёлларнинг сайлаш ҳуқуқи, оналикни давлат томонидан муҳофаза қилиш масалалари кўриб чиқилди. Кейинги йили



эса Европанинг кўпгина мамлакатларида аёллар урушга қарши намоёишлар уюштирилди.

1917 йил феврал ойининг охири яқшанбасида Россия аёллари «Нон ва тинчлик» шиори остида кўчага чиқиди. Тўрт кундан кейин эса Николай II аёлларга сайлаш ҳуқуқини беришни ваъда қилди. Бу кун юлиан календаридида 23 феврал, григориан календариди буйича 8 мартда нишонлана бошланди.

8 март 1963 йилдан бошлаб собиқ СССРда дам олиш кунини этиб белгиланди. Хозир бу кун МДХга аъзо ақсарият давлатларида байрам қилинади.

Шарқда ҳам бу байрам ўзгача тарзда нишонланади. Масалан, Японияда шунга ўхшаш байрам мавжуд. Лекин у хотин-қизлар эмас, фақатгина қизлар байрамидир. Уни

қўғирчоқлар байрами деб ҳам аташади.

Ислолда ҳам она, аёл юсак даражада қадрланган. Бир мисол келтирсак. Абу Хурай-ра ривоят қилади: «Бир одам Расулulloҳ алайҳи васалламнинг хузурига келиб: «Е Расулulloҳ, менинг яхши муомала қилмоғимга ким ҳақлироқдир?» — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Онанг!», — деб айтди. У: «Яна ким?», — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: «Онанг!», — деди. У: «Яна ким?», — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Онанг!», — деб сўради. Жаноб Расулulloҳ (бу сафар): «Отанг!», — деб жавоб қилди».

Файрат САТТОРОВ,  
Тошкент молия  
институтини 3-курс  
талабаси



### Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий IX халқаро турнир олдидан



**Юртимиз довуғини таратиш, шаънини улуғлашда, соғлом авлодни камол топтириш ва ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда спортнинг аҳамияти беқиёс. Мустақил дийримизда спортнинг барча турларини ривожлантиришга ҳукумат миқёсида жуда катта ғамхўрлик кўрсатилаётгани ҳаммага аён. Айниқса, шаклланиши қадим-қадимларга бориб тақаладиган миллий халқ ўйинларини оммалаштириш борасида ибратли ишлар амалга оширилаётган.**

## Сурхон дунё полвонларини ЧОРЛАЙДИ

Айни чоғда 10-12 апрел кунлари Термизда бўлиб ўтадиган халқаро турнирда тайёргарлик қизғин бормоқда. Хар ҳафта ташкилий комиссия томонидан йиғилиш ўтказилиб, тегишли бошкармалар, ташкилот ва корхона раҳбарлари иштирокида тайёргарликнинг бориши муҳокама қилиниб, мавжуд камчилик ва муаммолар ечим топмоқда.

Кунни кеча Термизга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова ташриф буюриб, халқаро турнирга ҳозирлик ишлари билан танишди. Сурхондарё вилоят ҳокими Т.Жураев билан биргаликда касабаси уюшмалари тасарруфидоғи «Алломиш» ўйингоҳида амалга оширилаётган кураш ишларини кўздан кечириб, қурувчилар билан учради.

— Кўна Сурхон замини бой маданий ва миллий мерос билан улғурдорди, — деди Д. Жаҳонгирова. — Халқимизнинг миллий урф-одатлари, расм-русумлари худда кўп, ғўзал ва мазмунлидир. Миллий спорт ўйинлари, мусобақалари эса ун-

дан-да фусункор. Элимиз азалдан спортнинг мардона тури — курашга меҳр қўйиб келган. Курашимизнинг илдизлари чуқур, истикболи ёрқиндир. Ўзбекининг қалб қўрига яширинган миллий қадрият ва ўйинлари мустақиллик йилларида бутун бўй-баста билан намоён бўлди. Яқин-яқинларгача асосан тўйларда, шодиёна кунларда уюштирилган кураш мусобақалари давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги туфайли бугун жаҳон миқёсида оммавийлашди. Курашимиздаги «Халол», «Чала», «Енош» каби ибораларнинг ўзга юртларда янграши, бу ҳам ўзига хос эътироф белгисидир. Табиийки, миллий курашимизнинг бу қадар тез оммалашувида сурхондарёликларнинг ҳам муносиб улуши бор. Негаки, воҳода етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма курашни севади. Кураш бўйича дастлабки мусобақалар айнан Сурхондарёда ташкил этилгани кўпчиликка аён. Илк бор 1993 йили Термизда буюк аллома Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича ўтказилган турнирда асосан

мамлакатимиз полвонлари катнашган бўлса, сўнгги йилларда мусобақанинг нуфузи янада ошиб, халқаро мақомага эга бўлди. Анъанавий равишда ўтказилаётган халқаро турнир туфайли дунёнинг кўпгина полвонлари Амударё деб аталмиш улкан сув ўзани ёқасида Термиз деган шаҳар борлигини, Сурхон замини иқтидорли ва маҳоратли полвонлар юрти эканлигини билишди.

Яқинда ўтказилган халқаро турнирга пухта ҳозирлик кўриш учун Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши 300 млн. сўм маблағ ажратди. Бу ерда меҳнат қилаётган 14 та кураш ташкилоти тўлиқ маблағ билан таъминланди.

— Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган Президент соврини учун халқаро турнирга тайёргарлик ишлари шу йилнинг 20 мартига чадир тугатилди, — деди қурувчилар номидан «Алп-Нур-Термиз» масъуляти чекланган жамияти раиси А.Алломишев.

Д.РУСТАМОВ

**Хотин-қизлар бугуннинг фаол бунёдкорларидир. Аёл — оиласининг ғўзал бекаси, фарзандларининг оқила, зукко волидаи муқаррамаси. Аёл — маҳалла сардори, маслаҳатчиси. Аёл — тадбиркор. Аёл — эл-юрт тинчлиги, сиҳат-омонлиги, маърифати, маданияти, санъати, маънавияти чароғбони... Хуллас, Аёл замонамизнинг фаол яратувчисидир.**

## Замонамизнинг фаол яратувчилари

Аёлларнинг ҳуқуқий маданияти оқсалиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ёш авлод тарбияси билан асосан аёллар шуғулланади. Шу боис оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, оила қонуничилиги талабларига оғишмай риоя қилинишида аёлларнинг ўрни борлигини қайд этиш жоиз. Бу борада уларни

қўллаб-қувватлаш, мунтазам ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, орқали оилани мустаҳкамлаш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, янгина анъана ва қадриятларни улар онгига синдириш, энг асосийси, эртанги кунга бўлган ишончи тарбиялаш лозим.

Бинобарин, сўнгги йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар-

нинг жамиятдаги маъқени ошириш, оилани мустаҳкамлаш ва уларга турли зарур имтиёзлар бериш юзасидан бир қатор муҳим қонуналар ва бошқа маърифий ҳужжатлар қабул қилинганлиги сўзизимизнинг исботидир.

Юртбошини ташаббус билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат муқофоти мамлакатимиз иқтидорли қизларини аниқлаш, қўллаб-қувват-

лаш ва рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий ўтуқлар сари даъват этишда муҳим омил бўлмоқда.

Республика Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белги-ланган ва доимий ишлайдиган комиссия йи-

лишларида тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси назоратга олинган бўлиб, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда.

Адлия вазирлиги тизим ҳодимлари томонидан ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини етказиш юзасидан 2008 йил давомида аҳоли ўртасида кенг қўламли тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилганлиги, айниқса, эътиборга мо-ликдир.

Хусусан, «Никоҳ ёшидаги ёшларни никоҳ, оила ҳақидаги тушуна-

ларини бойитиш», «Оила — жамият пойдевори», «Саодат бешиги», «Оила — муқаддас даргоҳ», «Никоҳга тиббий кўриқнинг афзалликлари», «Соғлом никоҳ — соғлом оила асосидир», «Хотин-қизлар ҳуқуқлари», «Аёл давлат ардоғида», «Оила кўрғини мустаҳкам бўлиш», «Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни» каби мавзуларда ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. 190 марта кўргазмали ҳуқуқий тарғибот ишлари ташкил қилинди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таъ-

лим бошқармаси масъул ҳодимлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўтган йилда Тошкент шаҳридаги барча таълим муассасаларида «Конун ва маънавият» мавзусида тарғибот тадбирлари уюштирилди. Уларга туманлардаги хотин-қизлар кўмитаси раислари, «Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий саводхонлигини ошириш» уюшмаси, ФХДБ бўлими ҳодимлари, «Оила» маркази, «Камолот» ЕИХ бўлими, тиббиёт муассасалари, академик лицей ва кол-

лежлари ҳамда мактабларнинг хотин-қизлар кўмиталари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг диний ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, талабалар жалб қилинган.

Худди шундай тадбирлар 2009 йилдан бошлаб Тошкент вилоятининг аксарият туман, шаҳарларида ҳам ўтказилди. Тарғибот ишлари бундан бўён ҳам изчил давом эттирилади.

Лолаҳон КАРИМОВА, Адлия вазирлиги масъул ходими

**Ўзбекистонда Чингиз Айтматов ижодини чуқур биладиган, унинг барча асарларини ўқиган китобхон ушбу ижодкорлар, мунаққидлар кўп. Бироқ, муболага-сиз айтиш мумкинки, адиб яратган асарлар, улардаги қаҳрамонлар руҳий олами-ни бор ғўзаллиги билан Асил Рашидов даражасида чуқур биладиган адабиётчи-ни, адабиёт ихлосмандини топиш мушкул.**



вазифалардан бири эди. Асил Рашидовнинг талабалар билан узок йиллик юзма-юз мулоқоти шу вазифани амалга оширишга қўлай имкон туғдирди.

Бир сўз билан айтганда, қўлимиздаги монография муаллифнинг ярим асрлик серкерира ижодий меҳнатининг нати-

санъаткор маҳоратини, қаҳрамонлардаги ўзига хосликларини очиб беради.

Масалан, Жамиланинг эри тирик бўлатуриб, ундан воз кечи-шини тасвирлаш ёзувчи учун осон бўлган эмас. Оилани муқаддас билган, қўйди-чикдилар деярли бўлмаган киргиз миллий

Асил Рашидов китобда Чингиз Айтматов асарларини изчил таҳлил қилар экан, қаҳрамонлар ўз моҳиятига қўра миллий қадриятлар доридасидан умум-важарий хусусиятлар томон ривожланиб боришига эътибор беради. Бу хусусият ёзувчи ижодида, айниқса, «Сомон

зишда қўлайидиган бир усули бор. Бу — қаҳрамон қалбига келатган жараёнларни параллел — мифологик мотивлар, образлар воситасида очиб улуғлидир. «Алвидо, Гулсари»даги Танабойни Гулсаридан худо қилмоқчи бўлганларидоғи ҳолатни ёзувчи туянинг ўз бутабоғини йўқотгандаги армонни ифодаловчи куйининг кудратини талқин этиш орқали очиб беради. Танабойнинг дўсти Жўра вафоти тасвирланган лавҳа таъсирини кучайтириш учун адиб асарга англиш марсиеси — «Кекса овчининг кўшиғи»ни олиб қиради.

«Ҳолима ким йиғлар, ўғлим Қорагул» деб бошланадиган кўшиқ — марсиени ўз ичига олган «Алвидо, Гулсари»ни ўзбек тилига ўғирин асосида Асил Рашидов юксак маҳорат намунасини кўрсатган эди. Ушбу монографияда энди бундай парчаларнинг асардаги поэтик ўрни ва кудратини танқидчи сифатида усталик билан таҳлил этади. «Ок кема»даги Шохдор она бузу, «Асрга тати-гулик кун»даги Манкурт, Она Байит қабристонини билан ало-

қадор мифологик мотивлар талқин ва таҳлили хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Юқоридоғи мулоқозлар билан бирга, монографияни янада мукамалроқ кўриш истагида адибнинг таълими ҳам ўртага ташланади лозим тоғдим. Чунки, монографиянинг охириги қис-мларидаги Ч.Айтматов ижодида меҳнат мавзусининг акс этиши ҳақидаги мулоқозларнинг ҳар бири шу асарлар таҳлил этилган олдинги қисмларга олinsa маъкул бўларди. Бу ҳолатда фикр аслида тақор бўлмаса ҳам асарларга муносабат билдиришда тақорроғи йўл қўйлаётгандек таасурот қолдирапти.

Ч.Айтматов асарлари библио-графиясини бериш принципини яна бир ўйлаб кўриш мумкин. Юқоридоғи тақлифлардан маъкул тоғганини амалга оши-риш эса муаллифга ҳавола.

Бу китоб икки халқ ўртаси-даги дўстлик ришталарини яна-да мустаҳкамлаш билан бирга, ёшларни адолат, инсонларвар-лик, миллатпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Бахтиёр НАЗАРОВ, академик

### Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белги-ланган ва доимий ишлайдиган комиссия йи-

## Баўрамда спартакиада...

Андижон давлат университети майдон-ларида бўлиб ўтган баҳсларда турли соҳа-ларда меҳнат қилаётган аёллар волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, югуриш ва аркон тортиш бўйича ўзаро беллашдилар.

— Юртимизда аёллар ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қарати-лмоқда. Бугунги беллашулар ҳам аёл-ларимизни спортга ошно қилади, — дей-ди жамият раиси Ш.Авазбадалов. — Каса-ба уюшма ташкилотлари ҳам аёлларни ом-

мавий равишда спорт билан шуғулланишга тарғиб этаверади. Зеро, спорт — саломатлик ва ғўзаллик гаровидир.

Кизқин кенган беллашуларда голиблик таъ-лим ва фан ҳодимлари касабаси уюшмаси вило-ят кенгаши жамоасига насиб этди. Соврин-дорлар касабаси уюшма ташкилотлари бирла-шмасининг фахрий ёрлиғи ва совғалари билан тақдирланди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

## Аёллар беллашуви



Очилиш маросимида мактабнинг ёш спортчилари томонидан кўргазмали да-стур намойиш этилди.

Кизқарли ўтган белла-шувда фарғоналиклар 1-ўринни, ўзбекистонликлар 2-ўринни, бағдодликлар 3-ўринни эгаллашди.

Ғолиб жамоалар таълим ва фан ҳодимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши ва Болалар спортини ри-вожлантириш жамғармаси

Фарғона вилоят хотин-қизлар кўмитаси, халқ таъ-лими бошқармаси, таълим ва фан ҳодимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши ва Халқ таълими вазирли-ғи хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят фили-алининг қўшма қарори асосида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган халқ таълими тизимидаги раҳбар аёллар спартакиадаси ўтказилди. Иштирокчилар спортнинг 5 тури (ҳалқога тўп таш-лаш, шашка, стол тенни-си, армреслинг, дартс) бўйича баҳслашди.

Спартакиаданинг 1-бос-қичи (шаҳар, туманларда) 2009 йил 23 — 24-фев-рал, 2-худудий босқич 27 феврал, 3-финал босқичи 4 март кунини Фарғонадаги



вилоят филиалининг дип-лом ва қимматбаҳо совға-лари билан тақдирланди-лар.

Раъно МАҲҚАМОВА, «Ishonch» мухбири



Аёл, оила ва жамият


### Хизмати олий аёллар

## Почтачи

Мухбирлик тақозоси билан Гулистон туманидаги Ҳамид Олимжон кишлоғида бўлганимизда одам-лар шу ерда фаолият юритаётган почта бўлими ҳақида илиқ фикрлар билдирди.

Иккинчи гуруҳ ноғи-рони Ҳамдам Абдуазимов туман марказидан анча чеккадаги Ҳамид Олим-жон кишлоғида яшайди. Афсуски, айрим вақтлар-

— Кишлоғимиздаги почта бўлими ҳодимлари, — дейди Татьяна Ҳабибо-ва, — деярли барча ма-ҳаллалардаги хонадон-ларда тез-тез бўлиб ту-



да пенсиясини жуда ке-чикиб оларди. Гулистон туман ижтимоий таъми-нот бўлимига бориб ке-лишга имкон тополмас-ди. Чунки йўл узок, ай-ланиш, икки-уч марта улов алмаштиришга маж-бур бўлади. Онаси То-жихон опа эса рўзғор юмушлари билан овора.

Тоғжихон опа кишлоқ почта бўлими ходими Татьяна Ҳабибовага му-рожаат қилиб, ноғирон ўғлининг пенсиясини нега кечикаётганини аниқ-лаб беришини сўради.

Олижаноб почтачи Та-тяна Ҳабибова туман иж-тимоий таъминот бўли-мига кириб борди, саба-бини ойдинлаштириб, масалани узил-кесил ҳал қилди. Натихада 2-гуруҳ ноғирони Ҳамдам Абду-азимов пенсиясини мунта-зам равишда ва ўз вақ-тида ола бошлади.

Баъзида эътироз ҳам билдириб қолишди. Ма-салан, гоҳида электр чи-роқлари ўчиб қолади, табиий газ босими па-сайиб, хонадонларга ет-майди, айрим пайтлари ичимлик сув таъминоти-да узилишлар бўлади. Бундай ҳолатларда кишлоқ фуқаролар йиғини вакил-лари билан бирга бу ши-коятлардан тегишли хиз-матлар раҳбарларини ха-бардор қилишга ҳам тўғри қолади...

Сўхбатимиз асосида «Сирдарё почтаси» хисса-дорлик жамияти ходи-млари жойлардаги бўли-мларидан хақида хабар олиб турганига амин бўлди.

Илгари бирорларнинг нафақа пулини ўзлашти-риб юбориш ҳолатлари ҳам рўй берганидан яхши хабардоримиз. Эндиликда бунга буткул чек қўйил-ган.

Чунки Сирдарё киш-лоқларидаги почта бўлимига ўз ишининг устаси Татьяна Ҳабибова сингари тажрибали ва маъсуляти инсонлар бошчилик қилишапти.

Пиримкул ДУСТАМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Бунинг сабаби бор, албатта. Асил Рашидов баъзи бир асарла-рини ҳисобга олганда Чингиз Айтматовнинг буткул ижодини ўзбек тилига ўғирган таржимон ҳисобланади. У ярим аср мобай-нида адиб асарларини таржима қилиш билан чекланиб қолмай, улар ҳақида қўлаб адабий-танқид-ий мақолалар ҳам эълон қилди.

Олимнинг яқинда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Чин-гиз Айтматовнинг бадиий ола-ми» (2008) номли асарини айрим мутахассисларнинг китоб ўқи-б-га ёзилган тадқиқотларидан жиддий фарқ қилишининг са-

баби ҳам шунда. Таржимадек машаққатли, синчков ижодий меҳнат мутаржимини Чингиз Айт-матов бадиий дунёсининг си-ноатлари ичига олиб кирди. Адиб асарларини мунаққид си-фатида таҳлил этиш эса ёзувчи маҳорати сирларини очиб, унга асос бўлган оммиларни аниқ-лаш имкониятини яратди. Ч.Айт-матов асарлари, қаҳрамонлари, гоғларини бу қўшқанот восита орқали идрок этиш натижасида чиқарилган хулосаларни про-бачидадан ўтказиб, ҳаётга жорий этиш — уларни қалб ва тафак-курга синдириш маъсулятили

жасидир. Бу ўринда янги си-фатини қўлашнинг сабаби бор. Гап шундаки, маъмур китоб муаллифининг «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Юзма-юз», «Биринчи муаллим», «Оқ кема», «Сомон йўли», «Алвидо, Гулсари», «Асрга татигулик кун» сингари асарлар ҳақидаги ав-валги мақолалари, тақрирлари-нинг такрорий йиғиндисидан иборат эмас.

Чунинчи бу ўринда муаллиф Ч.Айтматов асарлари ҳақидаги қўлашларини янги давр — ис-тиқлол даври мезон ва талаб-лардан бири унинг «ўзига хос дилрабо ички оханг»дир дер экан, унинг фикрига тўла қўши-ламиз.

анъаналарини ёриб чиққан қаҳрамон хатти-харакатини да-лиллаш билан ёзувчидан беқи-ёс маҳорат талаб этарди. Айни вақтда танқидчи адибнинг ма-ҳоратини англаши, ёзувчилик сир-асорларини нозик илғай билиши тақозо қилинарди.

Танқидчи Чингиз Айтматов маҳорати сирларини очиб унинг қаҳрамонлари характери-ни таҳлил қилиш билан чеклан-майди. Баъзан у асар руҳига ҳам алоҳида эътибор беради. Хусусан, «Жамила»нинг мўж-изасини таъминлаган фазилат-лардан бири унинг «ўзига хос дилрабо ички оханг»дир дер экан, унинг фикрига тўла қўши-ламиз.

йўли»даги Тўлғаноғи қиёфасида ёрқинроқ намоён бўлади. Му-наққиднинг эътиҳоти: «Ёзувчи ҳар бир образ ва персонажнинг ўзига хос сўзлаш, фикрлаш, ҳаракат қилиш, психологик на-моён бўлиш индивидуал услуби-ни яратиб билан қаноатлан-май қолмай, балки асарда во-қеаларни тасвирлашнинг умум-ий, муаллиф услубининг ҳам бош қаҳрамоннинг нутқ услуби-га бўйсундиради». Бу назар-имида, Чингиз Айтматов услуби-га доир муҳим қирралар-дан биридир.

Чингиз Айтматовнинг қаҳра-мон руҳий дунёсидаги талотум-ларни, азоб-уқубатларни ўқу-в-чига ниҳоятда таъсирчан етказ-

лишларида тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси назоратга олинган бўлиб, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда.

Адлия вазирлиги тизим ҳодимлари томонидан ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини етказиш юзасидан 2008 йил давомида аҳоли ўртасида кенг қўламли тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилганлиги, айниқса, эътиборга мо-ликдир.

Хусусан, «Никоҳ ёшидаги ёшларни никоҳ, оила ҳақидаги тушуна-

лишларида тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси назоратга олинган бўлиб, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда.

Адлия вазирлиги тизим ҳодимлари томонидан ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини етказиш юзасидан 2008 йил давомида аҳоли ўртасида кенг қўламли тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилганлиги, айниқса, эътиборга мо-ликдир.

Хусусан, «Никоҳ ёшидаги ёшларни никоҳ, оила ҳақидаги тушуна-

лишларида тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси назоратга олинган бўлиб, хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда.

Адлия вазирлиги тизим ҳодимлари томонидан ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини етказиш юзасидан 2008 йил давомида аҳоли ўртасида кенг қўламли тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилганлиги, айниқса, эътиборга мо-ликдир.

Хусусан, «Никоҳ ёшидаги ёшларни никоҳ, оила ҳақидаги тушуна-



# «О, фарзандим, кўзим нурисан!»

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия она сифатида ҳам тақдир сийлаган инсонлардан бири эканлиги ҳақида кўп ёзган. Чунки оташнафас шоир Ҳамид Олимжон билан эртақлардаги каби муҳаббатнинг энг тотли нёмати — икки фарзанди Хулкар ва Омонга ҳам оналик, ҳам оталик қилди.

**Ота бўлиб солдим мен йўлга, Она бўлиб меҳримга олдим.**  
Айтишларича, Ҳамид Олимжон биринчи фарзандни ўғил бўлади деб кутган ва «Хали туғилмаган ўғилга» деб шёар ҳам битган:

...Салом, ўғил, севимли фарзанд,  
Сени кутар ота интизор,  
Дунё-дунё севига пайванд,  
Салом сенга, эй жигарпора,  
Салом, тўрт кўз билан кутганим...  
Лекин қиз туғилган. Унга исм танлаш-

да дўстлар билан газета ҳошиясига ҳамма таклифларни тизиб, ҳар куни муҳокама қилишар экан. Охири Ҳаёт деган исмда тўхтаб, ҳатто гувоҳномага шу ном ёзилган экан. Анча вақт ўтгач янги топилма, таклиф голиб чиқиб, қизалоқ номи Хулкар деб ўзгартирилган ва унга атаб «Хулкарнинг шеъри» битилган экан.

Зулфияхоним умрининг охиригача фарзандларининг ўзига бўлган муносабатидан, оила ва жамиятда тутган макондан кўнгли тўлиб, фахрлиниб ўтди. Хулкар Олимжонга забардаст ёзувчи Ойбекнинг ўғли, олим Омон Тошмухаммедов билан тўрт фарзандни қамолга етказди. Адабиётшунос, фан номзода, бир умр Тошкент давлат университети (ЎЗМУ)да адабиётдан талабаларга ҳам ўзбек тилида, ҳам рус тилида бирдай дарс берган Хулкар опанинг онаси — Зулфияхонимга ҳурмати нигоҳларида шундоқ акс этиб турарди, ҳамон шундай. Ота-оналари ёзган шеърларни ёддан билади ва истаган вақтингда айтиб беради.

Ўз касбини мукамал билган, адабиётшунос, ҳуқуқшунос, юридик фанлар номзода, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Омон Олимжон Ўзбекистон Олий Мажлисида хизматни энг оддий вазифадан бошлаб, 45 йилдан ортиқроқ шу даргоҳда ишлади. Ўн йил давомида Олий Мажлис депутати, беш йил Конституциявий суднинг судяси бўлди. Халол ва самарали хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган.

Бугун Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимнинг набиралари ҳам катта авлодга муносиб ўғил-қиз, эл-юрт хизматига қамарбаста инсонлар бўлиб етишдилар.

Зулфияхонимнинг хонадонида ҳамон устозларнинг чироги ёниқ. Бирор-бир сўзбашт йўқи, Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним номлари тилга олинмас. Шеърятдан, энг олжанов фазилатлардан тикланганга ўхшайди бу файзли хонадон.

**Мухтарома УЛУҒОВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



## ЎЗМУ журналистика ва филология факультетлари талабаларини бирлаштирган «Хилол» тўғараги ёш ижодкорлар учун минбар вазифасини ўтамоқда. Қуйида тўғарақ аъзоларидан айримларининг шеърларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### Она

Азиз онагиним, онахонингим,  
Сиздан андозадир менинг вужудим.  
Мунистгиним, ғамгусорим, меҳрибонгиним,  
Қабул этинг қизингизнинг қалб сўзларини.

Маҳз атайин бугун сизнинг  
хислатингизни,  
Англаганим — туйганларим,  
хисларингизни.

Чехронгиздан нур балқийди бугун умр —  
Қалб сўзларин қабул этинг қизингизнинг.

Эрта тонгда кўш билан сирлашасиз,  
Ўзи сени деб қизингиз-ла сизлашасиз.

Тақдирини қисматим деб қабул қилиб,  
Мен бир-ла бахт-омаднинг излашасиз.

Менинг азиз онагиним, онахонингим,  
Тавоф қилай ҳар кун босган изларингизни,  
Ўзингизда ғам бўлмасин —

Дуолари қабул бўлсин қизларингизнинг...

Осимонда кўш бўлиб порлаб туринг,  
Истиқболга мени доим қорлаб туринг.  
Бахт-иқболим қўриб, қулиб, қунаб қоринг,  
Дуолари қабул бўлсин қизларингизнинг.

**Дилноза МАРДИКУЛОВА,**  
Ўзбек филологияси факультети 1-курс талабаси

Тонг — бунчалар  
гўзал қизалоқ,  
Беғубор орази нурга чўмилган,  
Уялиб бошини эгганда само  
Ол юзи зар қоккилга кўмилган.

Само қучоғида ёнбошлаб олиб,  
Замин шивирига қулоқ осадим.  
Булут тулпорига  
рахматни солиб,  
Инсоният учун ризқ улашадим.

Хуршида ЮСУФ,  
Олий адабиёт курси тингловчиси

### Бахт

Соғинтириб яшанг, майли,  
Эркаланиш асли одат.  
Сиз деб чиққан сафаримда  
Менга ҳамроҳдир садоқат.

Ҳар сония йилдек ўтар,  
Соат миллин келар сургим.  
Бедор ўтганидан туним,  
Кўш чиқмай, сахар тургум.

Синаб-синаб, қутиб-кутиб...  
Хузуримга келасиз, бас.  
Кўк чой сузиб узатаман,  
Уйингизда, кийиб атлас.

**Шоҳида МҲМИНОВА,**  
Журналистика факультети 2-курс магистранти

### Қутлагин, баҳор

Баҳорим, тинглагин юраклар оҳин,  
Қулоқ тут йилларнинг армонларига.  
Музаларин эритгин музлаган қалбинг,  
Қайта нур ато эт қалб кўзларига.

Инсон ҳаётини умидга тўлдири,  
Эмгир бўл, ювилсин йиллар губори.  
Майсадек кўқарсин янги орзулар,  
Барқ уриб гулласин умид баҳори.

Сабо бўл элтувчи эгу ниятни,  
Тўфон бўл сургувчи армон тошини.  
Барҳаёт юраклар мадҳинг қуйласин,  
Сен шундай қутлагин инсон қалбини.

**Малика САФАРОВА,**  
Ўзбек филологияси факультети 2-курс талабаси

### Муҳаббат бу аслида

Хижронларда қолишдир.  
Ёки баҳор фаслида  
Билмай севиб қолишдир.

Муҳаббат бу дардингни  
Айтмай ичга ютишдир.  
Билмайин ўз қадрини,  
Сабр қилиш, қутишдир.

Муҳаббат бу капалак,  
Гулдан-гулга кўнади.  
Кийноқда қолган юрак  
Айрилиққа кўнади.

Бу эртақнинг яхшиси  
Орзуларга етишдир.  
Севингиз рад этишса,  
Сўз демасдан кетишдир.

Дилфуза ХОЛМАТОВА,  
Журналистика факультети 1-курс магистранти

### Гуллаётган изтироб

Ҳайрат ва ҳаёлот ичра кезаман,  
Вужудим ҳилпирар шаффоф, қоршиқ.  
Рухимни ўсаётган тоғдек сезаман,  
Менда уйғонгани муҳаббатми, ишқ?!

Ўзимда кезиндим узун тун бўйи,  
Хотирамдан сизиб оқаётир қон.  
Мудроқ хавлларга кўмар Ҳақ қуйи,  
Тишимда тишланган Малакани ё нон?!

Шовуллаб оқмоқда эрта эртаги,  
Шовуллаб оқмоқда мавҳум тасаввур.  
Янтоқларни эгар Халлоҷ эстаги,  
Кўбини беркитиб яратмоқчи нур.


Бадар кетган йўллар юриб қайтарлар,  
Юриб қайтаётир оёқсиз тиллар.  
Ҳануз қулогимга азон айттарлар,  
Ҳануз йўрғаклайди ажнабий кўллар.

Бу тушимдир ва ё хўрсиник?  
Бу бир таскин ичра зерикмоқ.  
Бу ўзингдан ошиб борганча,  
Тупроғингга бир алам тикмоқ.

**Шаҳноза НАЗАРХОНОВА,**  
Ўзбек филологияси факультети 3-курс талабаси

## «Аёллар шодийенаси»

### Ҳайнкроссворди



1. Азалий кўшиқ. 2. Фарзанд дунёга келганида ўтказиладиган маросим. 3. Миллий ипак газлама. 4. Ўзбек шоираси Зуннунованинг исми. 5. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи персонажи. 6. «Гул сиеё» мусикали драматизацияси образ. 7. Алишер Навоий «Хамса» достонидаги Мажнуннинг суюқлиги. 8. Тақинчок, зинаят буюми. 9. Ўзбекистон халқ артисти, устоз раққоса. 10. Рус классик адиби Лев Толстой романи қахрамони. 11. Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» жиддий комедияси қахрамони. 12. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида илгор феолияти билан


**МУАММОНОМА**  
Шакл атрофидаги рақамларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ахлоқ-одобга оид асарлар муаллифи, педагог олим Раҳим Юсуповнинг ибратли сўзлари яширинган. Уни аввал қуйида таърифлари баён этилиб, рақамларда ифода-ланган калит сўзларни топиб, рақамларни жавоблардаги ҳарфлар билан алмаштириш асосида билиб олинг.  
1. Ҳиндистонда яшаб ижод этган ўзбек мумтоз ғазалнавис шоираси - 12, 16, 27, 13, 6, 6, 2, 20, 8.  
2. Ўзбек теннисчиси, халқаро биринчиликлар қатнашчиси - 8, 4, 8, 6, 4, 13, 9, 8, 7, 8, 17, 1.  
3. Ватанпарвар аёл тимсоли баён этилган қадимий афсона - 15, 21, 4, 1, 9, 2, 20.  
4. Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романи қахрамони - 10, 1, 24, 9, 8, 6, 1.  
5. Мухаммад Юсуф қаламига мансуб лирик шёар - 3, 8, 3, 1, 19, 2, 12, 25, 1, 3, 7, 8, 19.  
6. Ўзбекистонда яшаб ижод этган ўзбек мумтоз ғазалнавис шоираси - 12, 13, 5, 9, 1.  
7. Пардоз бўёғи сифатида ишлатиладиган гул - 23, 2, 6, 1.  
8. Оресталик анжони, хона жихози - 26, 21, 12, 11, 13.  
9. Шодлик, хурсандчилик туйғуси - 19, 13, 17, 8, 6, 14.  
10. Мамнунлик ҳисси, ифтихор - 18, 1, 23, 9.  
11. Ватан, мамлакат - 22, 9, 15.

танилган ўзбек аёли. 13. Ватанимиз театр сахнасининг илк раққосаси. 14. Ўзбек маърифатпарвар шоираси. 15. Абдулла Қаҳҳор ҳикояси. 16. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги кўркем гулга номдош қахрамон. 17. Ўзбек халқ достонларидан бири. 18. Машҳур ҳинд раққосаси ва кино санъаткори. 19. «Тошкент шеърлари» туркумини ёзиб қолдирган рус шоираси. 20. Иззат Султоннинг «Имон» драматизацияси персонажи. 21. Абу Райҳон Беруний номидаги давлат муқофоти билан тақдирланган илк тарихчи олимлардан бири. 22. Чингиз Айтматовнинг «Момо ери» асари қахрамони. 23. Она сиймосини маҳорат билан гавдаланган ҳинд кино санъаткори. 24. Ватанимизда Ая номи билан танилган устоз санъаткор.

Фозилжон ОРИПОВ тузди

### Қишлоқдан ЧИҚҚАН ЧЕМПИОНЛАР

Шахматчи қизлар жуда камтарин ва бошиқ бўлишди. Ҳар сафар мусобақаларга борсам, шахмат тахтаси устида сон-саноксиз комбинациялар ечимини топаётган қизлар ирода-сига қойил қоламан. Улар тўрт-беш соат фикрини бир жойга йиғиб, ҳар бир юриш устида бош қотиради. Юртимизда истеъдодли шахмат усталари бисёрлиги боис, энг билимли, матонатли спортчиғанина голиблик насиб этади.



## Сарвинозлар сарвари

Сирдарё вилояти Боёвут туманида камолга етган Сарвиноз Қурбонбоева шу йил декабр ойида ўн беш ёшга тўлади. У яқинда биринчи лига мусобақасида 9 имкониятдан 7 очко жамғариб, олий лига йўлланмасини қўлга киритди. С.Қурбонбоева айна пайтда олий лигадаги энг ёш иштирокчи сифатида қайд этилапти.

2008 йилда 14 ёшгача Ўзбекистон чемпиони бўлган қахрамонимиз Эронда ўтган Осиё биринчилигида қумуш медалга эришиб, ўзбек шахмат ишқибозларини хурсанд этганди.

2009 йил бошида 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ҳам барча рақибларини орта қолдириб, 9 имкониятдан 8,5 очко жамғариб ва ноябр ойида Туркияда ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди. У, шунингдек, жорий йилда навбатдаги қизча биринчилигида 16 ёшгача бўлган қизлар баҳсида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Чемпион қиз ўзининг галдаги галабасини нишонлашга жуда яқин турибди. Яъни, шу кунларда Тошкент шаҳрида 18 ёшгача бўлган қизлар Ўзбекистон чемпионатида дона суришмоқда. Сарвиноз Қурбонбоева мусобақа туғашига бир тур қолганда яқна пешқадам сифатида турнир жадвалини бошқариб турибди.

Сарвиноз билан суҳбатлашдик.  
— Кўз тегмасин, натижаларингиз анча яхши. Устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз...

— Отам Каримберди Жумуқов менга шахматдан дастлабки сабоқларни берган. Мусобақалар пайти доимо ёнимда бўлади. Айна пайтда шахмат бўйича спорт устаси Маматқул Хайлаев мураббийлигида шуғулланаёман. Олдинда турли мусобақалар бор. Уларда муваффақиятлик қатнашиб, шу йил Гулистон шаҳрида ўтадиган «Умид ниҳоллари» мусобақасига пухта тайёргарлик кўрмоқчиман. Вилоятимиз марказида ўтадиган баҳсларда олтин медалга эришмоқчиман. Шахмат бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлган отдошим, қаҳшқадарлик спорт устаси Сарвиноз Эргашевага ҳавас қиламан. Сарвиноз опа «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларининг барчасида олтин медалга эришган.

Акмал АБДИЕВ

### Касаба уюшма спорти маликалари



Тошкент туманидаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўқидим. Турон яккакураши бўйича бир неча бор мамлакат чемпиони бўлиш насиб этди. Ўзбекистон терма жамоаси сафида Нукус шаҳрида ўтган Осиё чемпионатида голиб бўлдим.

## Хуббиева сингари...

Булларнинг барчасига устозим Ақром Шердонаевнинг сабоқлари ва Тошкент вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан яратилган шароит тўғрисида гапирдик. 4-БЎСМ касаба уюшмалари тизимида фаолият юртадим.

Энг катта орзум — касаба уюшмалари, устозларим томонидан билдирилган ишончни оқлаш. Енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, Осиё ўйинлари голиби, Пекин-2008 олимпиадаси иштирокчиси Гўзал Хуббиева сингари Ўзбекистон шарафини дунёга ёймоқчиман.

Бугунги кунда ўзим ҳам турон яккакураши бўйича мураббийлик қилаёман. Олдинда республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган мусобақалар турибди. Шогирдарим билан мактабимиз, касаба уюшмаси шарафини муносиб ҳимоя қилиш иштиёқидамиз.

**Маффуза АБДУЛЛАЕВА,**  
турон яккакураши бўйича Осиё чемпиони

## Эътибордан мамнунмиз

Спортнинг тоғ чангиси тури юртимизда жадалли билан ривожланиб келимоқда. Касаба уюшмалари тизимидаги киши спорт турларига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси ман. Ўзбекистон чемпиони, мамлакат кубоғи соҳиб бўлишга эришдик.



Йил давомида бир неча халқаро мусобақада иштирок этаман. Бизни хурсанд қилгани, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти доимо спортчиларга ғамхўр ва раҳнамо. Фалабаларимиз муносиб рағбатлантириб туришади. Спорт иншоотларини таъмирлаш, зарур жиҳозлар билан таъмин-

лаш, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича мунтазам равишда ислохотлар олиб борилмоқда. Демак, биз давлатнинг бу эътиборига муносиб бўлишимиз керак.  
**Мадина РАСУЛОВА,**  
Ўзбекистон чемпиони

**ИШОНЧ НАФ КЕПТИРИШ**  
O.K.U.F. F.T.U.U.  
ОЛИЙ БАХТ

**Muassis:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
Abdusolliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**  
Alla DOLJENKOVA,  
Anvar YUNUSOV,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Ma'mura ADILOVA,  
Mirzohid SODIQOV,  
Normamat AIIAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Oysuluv NAFASOVA,  
Pirimqul QODIROV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Shamsi ESONBOYEV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73  
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-87-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43  
Reklama va e'lonlar 256-03-90

**Manzilimiz:**  
100165,  
Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

**Nashr ko'rsatkichi:**  
133  
Navbatchi muharrir: T.Shernayev  
Navbatchi: A. Abdiyev  
Musahhih: N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
Sahifalovchilar: H.Abdullayev va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda erkin narda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Tijorat materiallari**  
Bosishga topshirish vaqti - 21.00.  
Topshirildi - 23.50

**Buyurtma G — 214**  
20767 nusxada bosildi

**ISSN 2010-5002**  
1 2 5 6